


МУНДАРИЖА/ СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

ТАРИХ (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)	
SABIROV A.R. Osiyo mamlakatlarining XVI asr o'rtalari tarixi to'g'risidagi muhim manba	4
ERGASHEV J.Y., SHODIYEVA SH. Afg'onistondagi o'zbek ziyolilari va hukumat arboblari.....	6
БОБОЖОНОВ Ш.У., ҚУРБОНОВА М.Б. Ўзбекистон ва жанубий – шарқий осиё таълим ҳамкорлиги йўлида	8
ПСИХОЛОГИЯ (фаолият турлари бўйича)	
КАЗИМОВА З. Стресс у студентов высших учебных заведениях.....	11
RADJABOVA U.U. Vrach kasbiy mahoratini shakllantirishning psixologik asoslari	16
ЛИНГВИСТИКА (ўзбек)	
AMONOVA L. Navoiyning tazod yaratishda qo'shma fe'llardan foydalanish mahorati	19
AHMADOVA U.Sh. Publitsistik uslubda shaxs nomlarini ifodalovchi tasviriy ifodalar	21
JO'RAYEVA B., BAROTOVA M. Murojaat shakllaridagi xoslanishlar	24
HAMROYEVA M. Matnning lingvistik tahlili	26
ЛИНГВИСТИКА (инглиз)	
ABDULLAYEVA G.G. Sinxron tarjima– tarjimaning bir turi sifatida	32
JUMAYEVA O.I. Ingliz va o'zbek tillaridagi otlarda son kategoriyasining ifodalanishi	34
XAYATOVA Z.M. V. Tekerey va Ch. Dikens asarlaridagi realistik obrazlarni qiyosiy o'rganish	36
АДАБИЁТШУНОСЛИК (ўзбек адабиёти)	
TOSHEVA D.I. „Saddi Iskandariy“da talmeh san'ati	38
SAIDOVA R. Lirik matnning ichki munosabatlari	40
ЗОЙИРОВА Г. Н. Ш. Холмирзаев эсселари ҳақида	42
RAJABOV T. Mustaqillik davri o'zbek she'riyatining takomili va taraqqiyoti	44
АДАБИЁТШУНОСЛИК (инглиз адабиёти)	
HAMROYEVA SH. Walter scott, the acknowledged master of historical novel in the english literature	48
KHAYDAR-ZADE G. Use of some colour symbols in " the lord of the rings" by J.R.R.Tolkien	50
TURAYEVA X.T. The image of woman in the novel "an interrupted friendship" by E.I.Voynich	53
SAIDOVA N.A. "Garri Potter" asarida muallifning sehr-jodu ifodalash mahorati	57
RAXIMOV M., RO'ZIMURODOVA Z. "DA VINCHI SIRI" asarida ramzlar va ularning zamon va makon bilan bog`liq xususiyatlari.....	61
TUXTAYEVA F. Interpretation of orientalism through the analysis of emily dickinson's work	63
ФИЗИКА	
NAZAROVA SH.ERKINOVNA, BARNOYEVA L.YU. Fizika ta'limida uzviylik prinsipining metodologik asoslari	65
TOYIROVA U.I. Quyosh foto-issiqlik o'zgartirgichdagi issiqlik jarayonlarini	68

modellashtirish	
AMIROV SH.Y. Quyosh quritgichlarining yangi modeli va uning qisqacha tavsifi ...	71
БОЛТАЕВ С.А., РҶЗИЕВ Т.Р. Кўп мақсадли қуёш мева қуритгич қурилмасининг синов натижалари	72
АНМАДОВ Х.С., НАЗАРОВ Е.С. Iste'molda ishlatiladigan moylarning spektral xarakteristikalarini	76
МИРЗАЕВ.Ш.М., АХМАТОВА С.Р. Касб-ҳунар коллежларида физика фанини ўқитишдаги намунавий ўқув дастури янада такомиллаштириш тўғрисида мулоҳазалар	80
АМАЛИЙ МАТЕМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ	
JUMAYEV J., QOBILOV K.H. Turbulentlik tushunchasi va uni matematik modellashtirish	82
АБДУЛЛАЕВ Б.Р. Об одной весовой оптимальной по порядку сходимости кубатурной формуле в пространстве $L_p^{(m)}(K_n)$	86
БОБОРАХИМОВА М.И. Верхняя оценка норма функционала погрешности кубатурных формул в пространстве $\bar{L}_2^m(K_n)$	91
KARIMOV R. « MOODLE » tizimi va unda statistik ma'lumotlarni boshqarish	96
МАВЛЯНОВ А.З. О проекте программной системы морфологического анализа узбекского языка	99
ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ	
КАДИРОВ Р.Х., УЗОҚОВ Ф., ТОШЕВ М. Жисмоний тарбия педагогикасида математик таҳлил модели	102
МУНИРОВ Н. Касб-ҳунар коллежларида жисмоний таълимнинг услубий принциплари	107
БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ	
ЮСУФЗОДА Ш., ҚОСИМОВ Ф.Ф. Масаланинг турли ечимини излаш	109
ХАЛИЛОВА Г. Бошланғич синф она тили таълимида мустақил ишларни ташкил этиш	114
РАЈАВОВА Н. Boshlang'ich sinf "o'qish" darsliklarida istiqloq davri bolalar she'riyati ifodasi	117
ИСРОИЛОВА Р.С. Она тили таълимида нутқ ва тил мутаносиблиги	119
LUQMONOVA S.G. Boshlang'ich sinf o'qish darslarida vatanparvarlik tuyg'ularini shakllantirish	122
ОМОНОВА Д. Адабий тил таълимида баркамол шахсни тарбиялаш муаммолари	124
SAIDOVA U.J., HASANOVA M. Boshlang'ich sinflarda miqdorlarni o'rgatishning umumiy masalalari	126
ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ	
ОЛИМОВ Ш.Ш., РАХИМОВА Н.А. Малака ошириш жараёнида семинар-тренингларни ташкил этиш – педагогик технологияларни ўрганиш ва тадбиқ қилишнинг муҳим воситаси	129
ИЗБУЛЛАЕВА Г.В., ЖҶРАЕВ Б.Т. Маънавий тарбиянинг илмий-назарий асослари	133
НУСРАТОВ А.Н., БАХРОНОВА М. Ўзбекистонда ривожланган осие давлатларидаги педагогик технологияларнинг психо-дидактик асослари	137



2-rasm. Dog'lanmagan paxta moyi uchun yorug'lik o'tkazish koeffitsiyentining to'lqin uzunlikka bog'liqligi.

Moyning koeffitsiyentlari to'lqin uzunliklariga bog'liqligi spektri 600-1100 nm to'lqin uzunliklar sohasida o'lchandi.

Dog'langan Paxta moyi.

920 nm hamda 1030 nm to'lqin uzunliklarida yutilishlar kuzatiladi.

870 nm dan 920 nm to'lqin uzunligicha o'tkazuvchanlik kamayib

boradi.

920 nm dan 980 nm gacha to'lqin uzunliklarida o'tkazuvchanlik ortib boradi.

980 nm dan 1030 nm gacha to'lqin uzunliklarida yutilish ortishi kuzatiladi.

1030 nm to'lqin uzunligidan so'ng o'tkazuvchanlik ortib boradi.

Dog'lanmagan paxta moyi.

730 nm dan 750 nm to'lqin uzunliklarida yutilishlar ortishi kuzatiladi.

750 nm dan 810 nm to'lqin uzunligicha o'tkazuvchanlik ortib boradi.

810 nm dan 820 nm to'lqin uzunliklarida o'tkazuvchanlik kamayadi.

820 nm dan 850 nm to'lqin uzunliklarida yutilish kamayishi kuzatiladi.

850 nm dan 920 nm to'lqin uzunliklarida yutilish ortib boradi.

920 nm dan 980 nm uzunliklarida yutilish kamayib boradi.

980 nm dan 1030 nm to'lqin uzunliklarida yutilish ortib boradi.

Oziq-ovqat yog'lari uchun xarakterli bo'lgan yutilish sohalaridagi kritik nuqtalar 760 nm va 920 nm oraliqdagi hamda 1030 nm to'lqin uzunliklarni kuzatildi. Moylarning optik xossalari qizil to'lqin uzunliklar sohasida o'rganildi.

Iste'mol moylarini 340 nm dan 600 nm gacha bo'lgan to'lqin uzunliklari sohasida yutilish yoki o'tkazish koeffitsiyentlarini kuzatish imkoni bo'lmadi.

Adabiyotlar:

1. А.Айвазова и др. Спецпрактикум по оптике и спектроскопии. Т.: УзМУ. 2005 йил. 96-115-б.

2. <http://kitob.uz/files/myfileorganik>.

**КАСБ -ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДАГИ
НАМУНАВИЙ ЎҚУВ ДАСТУРНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА
МУЛОҲАЗАЛАР**

МИРЗАЕВ.Ш.М, АХМАТОВА С.Р. (Бух ДУ магистр талабаси)

Аннотация. Намунавий ўқув дастурга берилган тавсиялар, жумладан қўшимча мавзулар умумий ўрта, ўрта махсус, касб ҳунар таълими муассасаларида ўқитиладиган физика фани ва олий таълимни давом эттириладиган фан дастурлари узвийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлайди.

Борлиқни англаш, унда содир бўладиган барча табиат ҳодисаларини илмий асосда, жумладан, физик қонуниятлар асосида идрок этган ҳолда табиатни унда бўладиган кескин ўзгаришлардан асраш, муҳофаза қилиш ва уни шу ҳолича

келажак авлодга етказиш инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан биридир.

Инсонлар ҳаёти давомида ер қобиғидаги ва унинг атмосферасида учрайдиган табиат ҳодисаларини ҳеч бўлмаганда ўртача мазмунда тушуниши, идрок қила олиши ва ундаги ҳодисаларни таҳлил қила олиши зарурлиги учун физика фанини бошқа табиий фанлар қатори алоҳида ўрганиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус касб – хунар таълими йўналишлари бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2012 йил 24 – июлдаги 3-сонли мажлис баённомаси қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 15 – августдаги 332/1-сонли буйруғи билан тасдиқланган „Физика“ фанидан академик лицей ва касб – хунар коллежлари учун ўқув дастури ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Академик лицей ва касб – хунар коллежларида физика ва астрономия фани учун яратилган ўқув дастурида физика фани учун 154 соат ҳамда астрономия фани учун 36 соат жами: 190 соатга мўлжалланган бўлиб, унга кўра касб хунар коллежлари йўналишлар бўйича намунавий ўқув режалар тузилган.

190 соатдан 150 соати назарий, 34 соати лаборатория машғулоти ва астрономиянинг амалий машғулоти дарсларига жами 6 соат ажратилган.

Жумладан "Механика" бўлими учун 24 соат; "Молекуляр назария асослари ва термодинамика" бўлими учун 24 соат, "Электродинамика" асослари бўлими учун 64 соат, „Оптика бўлими учун 14 соат, "Нисбийлик назарияси элементлари" бўлими учун 4 соат, " Квант оптикиси элементлари" бўлими учун 8 соат, "Атом ва ядро физикаси" бўлими учун 14 соат ва астрономия бўлими учун 36 соат вақт ажратилган.

Ушбу мақолада физика фанидан юқорида кўрсатиб ўтилган намунавий дастур ўрганилди, таҳлил қилинди ва дастурга ўзгартиришлар киритиш бўйича баъзи бир тавсиялар келтирилди.

Намунавий дастурнинг кириш қисмида табиат бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд эканлиги, мавжуд моддий борлиқни сезги органларимиз қабул қилиши ва уни тўла англашимиз, шунга кўра табиатнинг қонуниятларига аралашмаслик ва зиён етказмаслик тушунчаларига эга бўлиб боришимиз ҳақида умумий маълумотлар берилди.

Механика бўлимининг динамика қисмида 2 -соатида жисмнинг бир неча куч таъсиридаги ҳаракати ва мувозанат шартлари мавзулари берилган, аммо табиат кучларининг турлари тўғрисида маълумотлар етарлича келтирилмаган. Куч, кучларнинг турлари жумладан эластиклик кучи, оғирлик кучи ва жисм оғирлиги, вазнсизлик, ишқаланиш кучлари (одамларнинг ер сиртида юриши ёки муз устида юра олмаслиги) Архимед кучи ҳақида тушунчалар берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўрта умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган 7 - синф физика дарслигида кучлар тўғрисида қисқача маълумот берилган холос, аммо бу етарли эмас. Бевосита ҳар куни ҳаётимизда учраб турган ҳодисалардан бири бўлмиш кучни тўла англаш учун албатта кучлар тўғрисида кенгроқ маълумотга эга бўлишимиз зарур.

Келтирилган намунавий ўқув дастурда жами 2 соат ажратилган **сақланиш қонунлари** бўлимига бугунги кунда ҳаётимизда кўп кузатилаётган, космология

фанининг, техниканинг кескин ривожланиб бораётган бир пайтида “Реактив ҳаракат” ҳамда “Қувват” мавзулари киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тебранишлар ва тўлқинлар бўлимини ўқитишда математик маятник тўғрисида маълумотлар мавжуд, лекин шу билан бир қаторда физик маятник ҳақида маълумотлар бериб ўтилиши тавсия этилади.

Молекуляр кинетик назария асослари бўлимида идеал газ ва унинг хусусиятлари билан биргаликда реал газлар ҳақида ҳам тушунчалар берилиши тавсия этилади, акс ҳолда талабаларда газлар тўғрисида тор маънодаги тасаввур пайдо бўлиб қолиши мумкин. Модда миқдори, Авогадро доимийси ва температура тушунчалари ҳақида ҳам маълумотлар берилиши тавсия этилади.

Термодинамика асослари бўлимида фазавий ўтишлар ҳақидаги маълумотлар киритилиши мақсадга мувофиқ.

Ушбу мақолада намунавий ўқув дастурга берилаётган тавсиялар, жумладан қўшимча мавзулар умумий ўрта, ўрта махсус, касб ҳунар таълими муассасаларида ўқитиладиган физика фани ва олий таълимни давом эттириладиган фан дастурлари узвийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлайди.

Юқорида келтирилган тавсиялар физик тушунча, ҳодиса ва қонунларнинг ўқитиш кетма – кетлигида оддийдан – мураккабликка бориш тизимлигидан иборат, олий ўқув юртига кириш учун зарурий билим, кўникма ва малакалар билан янада кўпроқ қуроллантиради.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 15 – августдаги 332/1 сонли буйруғи билан тасдиқланган „Физика“ фанидан академик лицей ва касб – ҳунар коллежлари учун ўқув дастури.

2. ГБОУ СПО Колледж автоматизации и информационных технологий календарно – тематический план на 2015/2016 уч. Год.

3. Дмитриева В.Ф Физика: Учебник для студентов образоват.учреждений сред. проф. Образования. - 5-е изд., перераб. и доп. М.: «Академия», 2004.

4. Дмитриева В. Ф Задачи по физике: учеб. Пособие для студ. образоват. Учреждений сред. Проф. Образования. М.: Издательский центр «Академия», 2007.

5 A 130202 – Amaliy matematika va axborot texnologiyalari

TURBULENTLIK TUSHUNCHASI VA UNI MATEMATIK MODELLASHTIRISH

JUMAYEV J. (BuxDU dotsenti)

QOBILOV K.H.(BuxDU magistr talabasi)

Turbulentlik termini texnikada keng qo'llanilgani holda unga aniq bir ta'rif fanda hali o'zining to'la ko'rinishiga ega emas.

1937-yildayoq Karman va Teylor turbulentlikka quyidagicha ta'rif berishgan edi: «Turbulentlik bu suyuqlik, gazlar biror sirtni atrofidan o'tganda yoki bir-birlari bilan qo'shilayotganda hosil bo'layotgan tartibsiz harakatdir».

Bu ta'rifdan 22 yil o'tib, Xinste turbulentlikka quyidagicha ta'rif beradi: «Suyuqlikning turbulentlik harakati bu shunday harakatki, unda suyuqlik harakatini